

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да
амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан
МАЪЛУМОТ**

(2019 йил 26 ноябрь ҳолатига)

Т/р	Амалга оширилган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси (кимга, қачон киритилган, хат рақами ва санаси)
III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш						
57.	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро валюта жамғармасининг Миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш.	2019 йил 1 июль	А.Мамиров			<p>1. Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 4 февралдаги № 01/1-03-17/4-5-сонли хат орқали Халқаро Валюта Фондига Ўзбекистонда чораклик ва йиллик миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш бўйича техник кўмак сўраб мурожаат юборилди. Халқаро валюта фондининг 2019 йил 6 февралдаги хати асосида 2019 йилнинг 4-15 март кунлари Давлат статистика қўмитасига техник кўмак миссияси ташириф буюриши белгиланди.</p> <p>2. Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 5 февралдаги № 01/2-03-17/2-6-сонли хат орқали Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкка Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳини шакллантириш учун мутахассислар номзоди сўралиб мурожаат юборилди.</p> <p>3. “2019 йилда Ўзбекистон Республикаси статистика амалиётига замонавий миллий ҳисоблар тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди, “Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи таркиби шакллантирилди ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 15 февралдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланди. (норматив – ҳуқуқий ҳужжат илова қилинади).</p> <p>4. Давлат статистика қўмитаси сўровига асосан 2019 йил 4-15 март кунлари Халқаро валюта жамғармасининг миллий</p>

					<p>ҳисоблар статистикаси бўйича техник кўмак миссияси амалга оширилди. Миссияга Халқаро валюта жамғармаси Статистика департаменти реал сектор бўлими иқтисодчиси Леван Гогоберишвили бошчилик қилди. Миссия давомида Ўзбекистонда миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш бўйича масалалар муҳокама қилинди. (миссия ташрифи дастури илова қилинади).</p> <p>5. Маълумотлар қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи 2014-2017 йиллар учун ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларида қайта ҳисоблаб чиқилди. Мазкур қайта ҳисоблаш ишларида кишлоқ хўжалиги, саноат тармоғи, хизматлар соҳасининг кўшилган қиймати, маҳсулотларга соф солиқлар, уй хўжалиқларининг якуний истеъмол харажатлари, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши кўрсаткичлари қамраб олинди. Қайта ҳисобланган тармоқлар бўйича жорий нархлардаги ҳажм, ўсиш суръатлари, дефлятор индекси кўрсаткичлари динамик қаторлар кўринишида шакллантирилди ҳамда уларнинг ЯИМ ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатларига таъсири бўйича таҳлилий жадваллар тайёрланди.</p> <p>6. 2019 йил 15 март куни ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларидаги ЯИМ бўйича қайта ҳисоблаб чиқилган маълумотлар Халқаро валюта жамғармасига таҳлилий жадваллар кўринишида тақдим этилди (Gkostina@imf.org манзилига юборилди).</p> <p>7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) кўрсаткичи 2016-2017 йиллар учун ишлаб чиқариш усулида қайта ҳисоблаб чиқилди. Мазкур қайта ҳисоблаш ишларида кишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг кўшилган қиймати, шунингдек маҳсулотларга соф солиқлар қамраб олинди. Қайта ҳисобланган тармоқлар бўйича жорий нархлардаги ҳажм, ўсиш суръатлари, дефлятор индекси кўрсаткичлари динамик қаторлар кўринишида шакллантирилди ҳамда уларнинг ЯҲМ ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатларига таъсири бўйича таҳлилий жадваллар тайёрланди.</p> <p>8. Давлат статистика қўмитасида 2019 йил 29 апрель куни Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.</p>
--	--	--	--	--	---

					<p>Йиғилишда Давлат статистика қўмитасининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари билан биргаликда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк вакиллари иштирок этдилар.</p> <p>Йиғилишда идоралараро ишчи гуруҳи вакиллари томонидан Ўзбекистонда миллий ҳисоблар тизимининг ҳозирги ҳолати ва муаммоли масалалари ҳамда 2019 йил 4-15 март кунлари ХВЖнинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича амалга оширилган техник кўмак миссияси тавсияларини амалиётга жорий этиш масалалари муҳокама қилинди ҳамда келгусидаги режалар белгилаб олинди.</p> <p>9. ЯИМ қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни МҲТ-2008 халқаро стандартига мувофиқ шакллантириш мақсадида ҳарбийлаштирилган тузилмалар (Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулдада вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати) томонидан тақдим этилиши лозим бўлган статистик маълумотлар рўйхати тайёрланди ва 2019 йил 7 май куни мазкур ташкилотларга зарурий маълумотларни тақдим этиш юзасидан мурожаат хатлари юборилди.</p> <p>10. “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий статистикани такомиллаштириш ва миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қарор лойиҳаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 24 майдаги № 01/1-03-17/2-29-сонли хати билан тегишли вазирликлар ва идораларга белгиланган тартибда келишиши учун юборилди. Қарор лойиҳаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан белгиланган тартибда келишилди.</p> <p>11. Қарор лойиҳаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 11 июндаги 01/1-03-17/2-34-сонли хати билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилди.</p> <p>Адлия вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 4/4-0762-сонли Хулосасига мувофиқ Қарор лойиҳаси бўйича тегишли концептуал эътирозлар билдирилди.</p>
--	--	--	--	--	--

					<p>Ушбу Хулосада келтирилган концептуал эътирозлардан келиб чиқилган ҳолда, Қарор лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 24 июндаги 01/1-03-17/2-42-сонли хати билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун қайта юборилди. Мазкур қарор лойиҳаси юзасидан Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича 4/4-0790-сонли Хулосаси олинди.</p> <p>12. Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 июндаги 01/2-03-01-43-сонли хати билан “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий статистикани такомиллаштириш ва миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>13. Маълумотлар қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи 2010-2014 йиллар учун ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларида қайта ҳисоблаб чиқилди. Мазкур қайта ҳисоблаш ишларида қишлоқ хўжалиги, саноат тармоғи, хизматлар соҳасининг қўшилган қиймати, маҳсулотларга соф солиқлар, уй хўжалиқларининг якуний истеъмол харажатлари, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши кўрсаткичлари қамраб олинди. Қайта ҳисобланган тармоқлар бўйича жорий нархлардаги ҳажм, ўсиш суръатлари, дефлятор индекси кўрсаткичлари динамик қаторлар кўринишида шакллантирилди ҳамда уларнинг ЯИМ ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатларига таъсири бўйича тахлилий жадваллар тайёрланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) кўрсаткичи 2010-2014 йиллар учун ишлаб чиқариш усулида қайта ҳисоблаб чиқилди.</p> <p>Юқорида келтириб ўтилган қайта ҳисоблаб чиқилган маълумотлар ва мазкур қайта ҳисоблашлар мақсади ва натижаларини фойдаланувчиларга батафсил тушунтириб бериш мақсадида тайёрланган ахборот хабари Давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайтыга (stat.uz) жойлаштирилди (13.07.2019).</p> <p>Шунингдек, Ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларидаги ЯИМ бўйича қайта ҳисоблаб чиқилган</p>
--	--	--	--	--	--

					<p>маълумотлар динамик қаторлар кўринишида Халқаро валюта фондининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизими (к-МТУТ) доирасида Ўзбекистоннинг йиғма маълумотлар миллий саҳифасига жойлаштирилди (13.07.2019).</p> <p>14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 691-сонли қарори қабул қилинди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 19 августдаги 691-сон қарорининг ижросини таъминлаш бўйича назорат режаси ишлаб чиқилди ва Давлат статистика кўмитасининг 92-сонли буйруғи билан тасдиқланди (26.08.2019й.).</p> <p>Давлат статистика кўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 01/1-01-17-222-сонли хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 19 августдаги 691-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳолати бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот тегишли тартибда киритилди.</p> <p>15. Маълумотлар қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари ва институционал секторлар бўйича 2015-2017 йиллар учун ишлаб чиқариш ҳисоби, даромадларнинг шаклланиши ҳисоби, бирламчи даромадларнинг тақсимланиши ҳисоби, даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши ҳисоби, даромадлардан фойдаланиш ҳисоби, капитал билан операциялар ҳисоблари қайта ҳисоблаб чиқилди.</p>
3.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш					
74.	Юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни интернет орқали олиш тизимини яратиш.	2019 йил 1 апрель	Н.Шералиев		<p>Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат статистика кўмитаси томонидан Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлига ва Адлия вазирлига 2019 йил 13 февралда 01/2-18-14/2-54-сонли хати юборилди.</p> <p>Шу билан бирга, мазкур веб-сайтлар орқали тақдим этилаётган маълумотларни ягона шакли Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлиги мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилди ҳамда ўз веб-сайтларида жойлаштирилиши таъминланди.</p>

						Ўз навбатида мазкур хизматдан кенг фойдаланиш бўйича тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб боришга келишиб олинди.
IV. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш						
138.	Меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлиги ва меҳнат фаолиятининг “шахсий тарихи”ни акс эттирувчи “ Ягона миллий меҳнат тизими ” идоралараро дастурий комплексини яратиш.	2019 йил 1 октябрь	Б.Шодиев	5,2 млн АКШ доллари	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	Мазкур топшириқ ижроси юзасидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 27 апрелдаги 01-02/2103-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасининг Қарори лойиҳаси киритилиб, Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 01/2-04-14-119-сон хати билан таклифлар юборилди. Қарор лойиҳаси белгиланган тартибда келишилиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юборилди.
7.3	Даромад индекси		М.Умаров Ж.Юлдашев			Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги масъул ҳисобланади. Давлат статистика кўмитасига статистик маълумотни тақдим этиш юзасидан сўров келиб тушганда, тегишли маълумот белгиланган тартибда тақдим этилади. 2019 йилнинг 25 сентябрь ҳолатига мазкур маълумотни тақдим этиш юзасидан сўров келиб тушмади.
12.	Статистик салоҳият индекси		М.Хусанова О.Мамадалиев			Статистик салоҳият индекси бўйича маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон банкининг Статистик салоҳият индекси бўйича рейтингидаги ўрнини яхшилаш бўйича йўл харитаси ва аналитик маълумотлар тайёрланиб, Президент Администрациясига жорий йилнинг 20 февралда 01/1-04-1-70 хати билан юборилди. Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази билан биргаликда “2019 йил учун Жаҳон банки рейтингида Статистика салоҳияти индекси бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини оширишга доир ишларни ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, 28.02.2019й. 37-буйруқ билан тасдиқланди. Статистик салоҳияти индекси ҳисоб-китоби бўйича методологияси ўрганилиб, Ўзбекистон бўйича акс эттирилган кўрсаткичлар таҳлил этилди ва акс этмаган кўрсаткичлар аниқланди. Шу билан бирга, тегишли вазирликларга Ишчи гуруҳга номзод бериш бўйича 6.03.2019й. 01/1-04-18/2-83, 01/1-04-18/2-84, 01/1-04-18/2-85, 01/1-04-18/2-86–сон ҳамда

					<p>индексада акс этмаган кўрсаткичлар аниқланиб, уларни акс эттириш бўйича Жаҳон банки гуруҳининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига 2019 йил 20 мартда 01/1-06-11/1-75-сон муурожаат хатлари юборилди.</p> <p>Мазкур муурожаат хатига асосан 2019 йил 12 апрелда Жаҳон банки гуруҳининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида видеоконференция ўтказилди. Ўтказилган видеоконференция натижаларига кўра 2019 йил апрель ойида Давлат статистика кўмитасида Жаҳон банки Бош офисидан келадиган эксперт иштирокида Жаҳон банки рейтингда Статистика салоҳияти индекси бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинишига келишилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.04.2019 йилдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПҚ-4273 сонли қарори билан Алоҳида таркибий индикаторлар бўйича Статистика салоҳияти индексида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга оид «Йўл харитаси» тасдиқланди.</p> <p>Ушбу «Йўл харитаси» ижросини таъминлаш ва мамлакатнинг Статистика салоҳияти индексида ўрнини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг 19-25 апрель кунлари Ўзбекистонда бўлган Жаҳон банки миссияси вакиллари билан учрашув ташкил этилди ва Статистика салоҳияти индексидаги Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.</p> <p>Жорий йилнинг 15 майида “DatQam” стандарт ва базавий пакетини жорий этиш ҳамда Статистика салоҳияти индексида акс этмаган кўрсаткичларни акс эттириш бўйича Жаҳон банки экспертани жалб қилиш юзасидан Давлат статистика кўмитасининг 01/1-06-11/3-141-сонли хати Жаҳон банкига юборилди.</p> <p>2019 йилнинг 15-25 июль кунлари Жаҳон банкининг статистика бўйича эксперти Мустафа Динч бошчилигида техник кўмак миссияси фаолият олиб борди. Ушбу миссия давомида Жаҳон банки эксперти ва Давлат статистика кўмитасининг тармоқ бошқармалари билан биргаликда статистик кўрсаткичлар сифатини бошқариш, Статистика салоҳияти индексида акс этмаган кўрсаткичларни жойлаштириш, ҳамда статистика салоҳияти индекси бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.</p>
--	--	--	--	--	---

						<p>Жорий йилнинг 25 июль куни Давлат статистика қўмитасида кўмита марказий аппарати ва вилоят статистика бошқармалари ходимларига ушбу миссия якунлари бўйича Жаҳон банки эксперти томонидан семинар –тренинг ташкил этилди.</p> <p>Жаҳон банки мутасадди вакиллари билан бўлган учрашувлар ва видеоконференция натижаларига кўра статистика салоҳияти индексида ақс этмаган кўрсаткичларни жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.</p>
--	--	--	--	--	--	--